
Мурожаатлар ечими таъминланмоқда

Ўзбекистон тумани сектор раҳбарлари иштирокида ҳудудлардаги ўтказилаётган сайёр қабуллар ва манзилли ўрганишлар давомида аҳоли вакилларини қийнаб келаётган турли масалалардаги муаммолар ҳал этиб борилмоқда.

Хусусан, куни-кеча туман ҳокимининг “қизил тоифа”га киритилган, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган бир гурух ёшларнинг муаммоларини ўрганиш жараёнида ҳам ёшлар ҳамда уларнинг оила аъзолари томонидан қатор масалалар кўтарилиб, уларни босқичма-босқич ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Ана шундай ёшлардан бири, Зиё Нурсухлик Нуриддин Абдусаматов ва унинг яқинлари билан биргаликда қўни-қўшнилари томонидан билдирилган мурожаат асосида маҳалла ҳудуди ободонлаштирилмоқда.

Бевосита ҳокимлик ташаббуси билан маҳалла аҳлини кўпдан буён қийнаб келаётган муаммолардан бири - 300 метрга яқин кўчада тўпланиб турган тупроқ уюмлари тозаланиб, ҳудудда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

2023-08-14 22:34:51